

Ташқи ишлар вазирлигида учрашув



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 20 апрель куни Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги Бош котиби Бадр бин Хамад ал-Бусаидий бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик тарихидаги муҳим сана – мамлакатларимизда 22 апрель куни нишонланадиган Ўзбекистон билан Ўмон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги билан бир-бирини табрикладилар.

Мулоқот чоғида барча соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани, бунинг учун зарур салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Бу масалалар Ўмоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва тез орада Маскат шаҳрида очиладиган Ўзбекистон элчихонаси фаолиятининг асоси бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ўмон молиявий ва консул்தатив кўмаги асосида қурилиб, жиҳозланаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг янги биноси маданий-гуманитар соҳадаги самарали алоқаларнинг ёрқин намунаси экани қайд этилди.

Халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Ўзбекистон – Ўмон вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи раунди бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Ўмон транспорт коридори механизмларининг ишга туширилиши нуқтаи назаридан транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ўмон делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

[Ўзбекистон ТИВ матбуот хизмати](#)